

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти  
Тошкент – 2007

**78.342**

**М 55**

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	Н.Алаутдинова
Мухаррир	Ҳ.Маматраимова
Масъул муҳаррир	О.Қиличбоев
Матн терувчи	З.Жалилова

Оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш методикаси: Метод.- библиогр. қўлл./Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н. Алаутдинова; Мухаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.- б.

**КБК 78.342**

Ушбу методик-библиографик қўлланмада кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган оммавий тадбирларнинг-китобхонлар конференцияси, савол-жавоб, учрашув, шеърят кечалари, оғзаки журнал, викторина ва бошқа қатор турлари ҳавола этилган.

Қўлланмадан кутубхоначилар, АКМ ва АРМ мутахассислари оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда фойдаланишлари мумкин.

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.**

## СЎЗ БОШИ

Кутубхоналар, АКМ ва АРМларда китобни тарғиб қилиш, китобхонларни кутубхонага жалб этиш, ҳамда уларни адабиёт ва санъат вакилларининг ҳаёти ва ижоди билан таништириш, муҳим ва унутилмас саналар, даврнинг долзарб аҳамият касб этган воқеа-ҳодисалари муносабати билан кўпгина оммавий тадбирлар ўтказилади.

Кутубхоналарда адабиётларни тарғиб этишда оммавий усуллар – кўргазмали, оғзаки ва комплекс усуллар қўлланилади. Улар мазмуни, нашр хусусияти ва бошқа хусусиятларга кўра китоб кўргазмалари, кутубхона плакатлари, оғзаки журналлар, китобхонлар конференцияси, адабий-тематик, шеърят, савол-жавоб, мунозара, учрашув кечалари ва бошқа тадбирлардан иборат бўлиши мумкин.

Оммавий тадбирларнинг афзаллик томони шундаки, ушбу тадбирлар китобхонларнинг умумий қизиқишларини тезда қондириш имкониятини беради. Ўтказиладиган ҳар қандай оммавий тадбир аввалдан пухта тайёргарлик кўрилгандагина самара беради, таъсирчан бўлади ва аниқ мақсадга хизмат қилади. Натижада китобхонлар сони ошади, мавзу бўйича китоб ўқилиши даражаси кўтарилади, янги қизиқишлар пайдо бўлади. Кутубхонага ва тадбирларга муносабат ўзгаради. Оммавий тадбирда техника воситаларини қўллаш, ижтимоий, сиёсий ташкилотлар, ОАВлари билан ҳамкорлик қилиш, унинг сифат ва даражасини кўтаради, оммавийлик хусусиятини оширади.

Тадбирларни ўтказиётган мутахассислар шуни унутмасликлари керак-ки, ҳар қандай тадбирда китоб ўқишни тарғиб этиш бирламчи ўринда бўлиши лозим.

Қўлланмада берилган оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш методикаси ҳақидаги маълумотлар турли манбалардан олинган. Умид қиламизки ушбу нашримиз кутубхона, АРМ ва АКМ ходимларига яқин кўмакдош бўлиб қолади.

## **Китоб кўргазмалари**

Долзарб масалаларга ва муҳим унутилмас саналарга бағишланган китоб кўргазмаларидан кутубхоналарда кенг фойдаланилади.

Китоб кўргазмаси мазмунига кўра-универсал, мавзули; вақтига кўра – доимий, вақтинчалик, узоқ муддатга мўлжалланган; характерига кўра-ахборот, тарғибот шаклида бўлади.

*Хусусияти:* кўргазмалилик, оммавийлик, таъсирчанлик, эстетик завқ бериш, ҳужжатни ўз қўлига олиш ва яқиндан танишиб чиқиш имконининг кенглиги, ҳужжатни бевосита реклама қилиш.

*Аҳамияти:* ҳужжатга қизиқиш уйғотади, мавзуга қизиқиш уйғотади, ҳужжатни тарғиб қилади, эстетик руҳда тарбиялайди, китобхоннинг фикр доирасини кенгайтиради.

*Камчилиги:* ҳужжатлар йўқолиши, мавзуга оид ҳужжатларнинг барчасини қамраб олиши мумкин эмас.

### **Мавзули китоб кўргазмалари**

Бу кўргазмаларнинг вазифаси бир мавзу бўйича энг қимматли адабиётларни кўрсатиш, тарғиб қилиш, китобхонга мавзуни чуқур ва тизимли ўрганишда ёрдам беришдир. Мавзули китоб кўргазмалари мазмунан қуйидагича бўлади.

*1. Даврнинг долзарб масалаларига оид китоб кўргазмалари.*

Уларнинг мавзусини сиёсий-иқтисодий, фан-техника ва маданият масалалари ташкил этади. Масалан: “Тошкент – Ислом маданияти пойтахти”.

*2. Муҳим саналарга бағишланган китоб кўргазмалари.*

Ёзувчи, шоирлар, рассом, бастакорлар, давлат арбоблари юбилейлари, муҳим саналар муносабати билан ташкил этилади. Масалан: “Самарқанд шаҳри – 2750 ёшда”

*3. Маиҳур кишиларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб кўргазмалари.*

Бу кўргазмалар биринчидан, ёзувчи, шоирнинг ҳаёт йўлини ёритиб берса, иккинчидан китобхонни унинг асарлари, у ҳақидаги нашрлар билан таништиради. Бунда биографик очерклар,

хотиралар, асарлар тўпламлари, ёзувчи ёки шоирнинг ижоди тўғрисидаги танқидий асарлар қўйилади. Хужжатлар – фото-расмлар, портретлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. “Ғазал мулкининг султони”, “Алишер Навоий мутафаккир шоир”, “Қамолиддин Бехзод ХХІ асрда”, “Абдулла Авлоний-маърифатпарвар шоир” номларида кўрғазмалар ташкил этиш мумкин.

*4. Бирор бир жанрга бағишланган китоб кўрғазмалари.*

Ушбу кўрғазмага бирон-бир адабий жанрга оид адабиётлар жойлаштирилади. Бу кўрғазма китобхонларга адабиётнинг айрим жанрларини тарғиб қилади. Мазкур жанрларда ёзилган энг сара асарларга қизиқиш уйғотади. Бундай кўрғазмаларни “Ўзбек тарихий романлари”, “Назм гулшани” ва бошқа номларда ташкил этиш мумкин.

### **Янги адабиётлар кўрғазмаси**

Мазкур кўрғазма янги олинган китоблар ҳақида китобхонларга тизимли равишда ахборот бериб боришга мўлжалланган. Кутубхоналарда сиёсий, табиий-илмий, ишлаб чиқариш техникаси, бадиий адабиёт каби ҳар бир катта бўлимга витринада алоҳида тоқча ажратилади. Цитата ва расмлар қўлланилмайди. Кўрғазмани “Янгиликлар”, “Янги келган китоблар” ёки “Диққат! Янги китоблар” каби сарлавҳалар билан очиш мумкин.

Янги адабиётлар кўрғазмаси маълум бир кунда: йирик кутубхоналарда ҳафтада бир марта, қолганларида ойда бир мартаба ташкил этилади.

### **Китоб кўрғазмасини тайёрлаш методикаси**

Каталог ва картотекалар, рўйхатлар, библиографик кўрсаткичларга нисбатан китоб кўрғазмалари адабиётлар тарғиботининг жуда кенг қўлланадиган шаклидир. Бундаги адабиётни бевосита кўрсатиш ҳар қандай китобхон диққатини ўзига тортади. Кўрғазманинг самараси, таъсири уни тайёрлаш сифатига боғлиқ.

Кўрғазмани тайёрлаш жараёни мавзуни танлаш билан бошланади. Кутубхоналарнинг вазифаси даврнинг долзарб масала-

лари, дунё ва мамлакат ҳаёти, фан-техника, маданият ютуқлари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, муҳим саналар ва юбилейларга оид адабиётларни ўз вақтида тарғиб қилиб боришдан иборат. Кўпгина кўргазмалар бошқа оммавий тадбирларга қўшимча сифатида ташкил қилинади.

Китоб кўргазмасини ташкил этишга кириша туриб аввал муҳим мавзунини танлаб оламиз. Шундан кейин китоб фондига мурожаат этамиз. Бу ерда у ёки бу адабиётнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги каби қийинчиликлар билан тўқнаш келиш мумкин. Шунинг учун аввало фондни мавзу бўйича таҳлил қилиб, шундан кейингина кўргазма тайёрланади

Китобхон учун кўргазманинг қиммати унда кўрсатилаётган адабиётлар билан белгиланади. Адабиётлар аввало ғоявий, бадиий жиҳатдан пишиқ, янги, китобхон талабига мос бўлиши керак. Танланган адабиётлар чуқур ўрганилиб, тизимлаштирилади. Шундан кейин кўргазмани шакллантириш босқичига ўтилади. Кўргазма китобхонга эстетик таъсир этадиган, унинг диққатини китобга қаратадиган, керакли йўналишга сола оладиган даражада шакллантирилиши зарур. Кўргазмани шакллантиришда бир неча жиҳатларни ҳисобга олиш керак.

*1. Китоб витриналари.* Кўргазмани шакллантиришда асосий элемент ҳисобланади. Шунинг учун тайёргарлик кўриш давомида олдиндан витрина ёки стенднинг кўринишини билиш керак. Кўргазма учун 3-5 та китоб витринаси олинади. Ҳар бир тоқчасида 6-8 тадан адабиёт жойлаштирилиши керак. Китоб витриналарини II шаклида, ёйсимон, тўлқинсимон, бурчакли, шахматсимон жойлаштириш мумкин.

*2. Адабиётларни жойлаштириши.* Адабиётларни жойлаштиришда уларнинг мантиқий хусусияти ҳисобга олинади. Адабиётлар мавзунини ёритиб бера олиш даражасида жойлаштирилиши керак. Уларни жойлаштиришда масалани тизимли ёритиш тартиби қўлланилади. Танланган расмлар адабиёт мазмунига мос равишда китоб билан ёнма-ён жойлаштирилади. Адабиётларни жойлаштиришда муқованинг рангига ҳам эътибор бериш керак. Айрим саҳифалардаги портретлар, расмлар, рангли тасвирларни очиб қўйиш мумкин.

Китоблар устма-уст қўйилмайди. Журналлардан, тўпламлардан, асарлар тўпламининг айрим томларидан олинган мақолалар икки усулда кўрсатилади. Китоб муқовасига муаллиф номи, мақоланинг сарлавҳаси ва бетлари кўрсатилган карточка қистириб қўйилади ёки журналнинг ўша мақола бошланган варағи очиб қўйилади ва карточкада журнал номи, нашр йили, асарлар тўпламининг номи, том сони ҳамда бетлари кўрсатилади. Кўрғазмада газетани кўрсатиш бир оз мураккаб. Чунки унинг ҳажми катта, шунинг учун газета буклаб қўйилади, бу эса уни кўрғазмадан олиб кўришда қийинчилик туғдиради. Шунинг учун газета мақолаларининг ксеронусхаларини қўйиш мумкин.

3. *Сарлавҳанинг аҳамияти.* Китобхон диққатини тезда жалб этадиган элемент кўрғазманинг сарлавҳасидир. У кўрғазмага маънавий урғу беради. Сарлавҳа содда, қисқа, китобхон қабул қилиши учун осон бўлиши керак.

Сарлавҳа ўлчами ва унга танланган ранг кўрғазманинг мазмунига мос бўлиши шарт.

4. *Цитата, матн ва иллюстрациялардан фойдаланиш.* Кўрғазма мавзусига мос танланган цитата, қисқа матн ва турли иллюстрациялар кўрғазманинг таъсирчанлигини оширади. Кўрғазма номига ва алоҳида ҳар бир бўлим учун цитата танланади. Уларни ёзишда мазмунга мос ҳолда ранг танланади. Шрифт белгилаб олинади. Лекин фақат икки-учта ранг танланиши керак, ундан ортиғи китобхонни чарчатади.

Бундан ташқари, ҳар бир ранг ўз хусусиятига эга эканлигини ёдда тутмоқ лозим. Бу кўпроқ уларнинг қўлланилишида намоён бўлади. Соф рангларга қизил, кўк, сариқ ранглар киради.

Қуйидаги ранглар ўзаро уйғунлик ҳосил қилади: қора ранг– сариқ, оловранг, тилла ва кумушранг билан; қизил-оқ-кўк; оқ ранг – кўк, қизил ва яшил рангда. Ўзаро ноуйғун ранглар: сариқ қизил рангда, кўк сариқ рангда.

5. *Картотека.* Кўрғазмага ҳажми унча катта бўлмаган картотека ҳам тузилиши мақсадга мувофиқдир. Унда кўрғазмадан жой олмаган адабиётларнинг (мавзу доирасида) танлаб тавсифланган карточкалари жойлаштирилади.

6. *Кўрғазма билан ишлаш.* Кўрғазмадаги адабиётларни ўқиш учун бериш, кўрғазманинг ўзини тарғиб қилиш бўйича иш олиб борилади. Мавзуга оид берилган китобларни миқдорига қараб ҳам кўрғазманинг муваффақиятини билиш мумкин. Шунинг учун кўрғазмада берилган ҳар бир китоб алоҳида ҳисобга олиб борилади.

Ўтказмоқчи бўлинган ёки ўтказилган кўрғазма тадбирларининг таҳлили, ҳар қандай кутубхона учун муҳим йўналиш ҳисобланган ушбу фаолиятни мукамаллаштириб, тадбирни китобхонларнинг талаб ва қизиқишларига яқинлаштиришга хизмат қилади.

### **Кутубхона плакати**

Плакат оммага таъсир этувчи кенг тарқалган самарали воситалардан биридир. (Плакат - нем. plakat, франц. plakard – эълон, афиша). Плакат китобхонларга оммавий хизмат кўрсатишда алоҳида ўринга эга. Кутубхоналарда плакатлардан XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб фойдалана бошланди.

Кутубхона плакати кўчаларда, клуб ва бошқа жамоат жойларида кўриш мумкин бўлган плакатлардан фарқ қилиб, унинг мақсади китоб тарғиботидир. Кутубхона плакати китобларни тасвирий санъат воситалари билан тарғиб қилади. У энг аввало китоб мазмунини матнлар, расмлар орқали очиб беради. Унинг кўрғазмадан фарқи ҳам шундадир. Плакатнинг ҳар бир элементи китобхонни ўзига жалб этиши, плакат тавсия этаётган китобнинг мавзуси ёки мазмунини очиб бериши керак. Плакат оддий, аниқ, шу билан бирга мазмунли бўлиши керак.

Ҳар бир китоб, ҳар бир мавзу композицияси, тасвирий ҳал қилиниши билан ўз ифодасини топиши керак. Агар бир плакат бошқасига ўхшаш ва рангсиз бўлса кўпчиликни қизиқтирадиган мавзу бўлса ҳам китобхонлар диққатини жалб этмайди. Плакатнинг мазмуни турли усуллар билан таъминланади. Плакатни жуда кўп майда матнлар, расмлар билан тўлдириб ташлаш кўзда тутилмайди, бундай ҳолда уни узоқ кўриш талаб этилади. Бу эса китобхон диққатини тарқатади, ҳамма плакатларни кўриб чиқиш учун эса жуда кўп вақт кетади.

Плакатнинг тахминий ишланган хомаки эскизи унинг асосий элементларини тўғри жойлаштиришга, бўёқларнинг нисбатини тўғри топишга ёрдам беради. Эскизларда плакатнинг ҳажми, ўрни ва баъзи элементларининг бир-бирига боғланиши, яъни композицияси белгиланади. Мавзу аниқлаб олинган, қисқа вақт ичида эскиз тайёрланади. Бунда расмлар ва матнларни жойлаштириш бир неча усулларда синаб кўрилади ва энг мақбул вариант танлаб олинади. Материаллар йиғиб бўлингач, эскизга аниқликлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш каби ишлар бажарилади.

### **Плакатнинг турлари**

*Кутубхона плакатлари:* ахборот, тарғибот, ташвиқот ва методик сингари турларга бўлинади.

Ахборот плакатлари маълум характердаги адабиёт, журнал ва газеталарнинг кутубхонада мавжуд эканлиги ҳақида маълумот беради; асосий мақсади – китобхонларга ахборотни етказиш.

Тарғибот плакатлари тематик битта китобга ёки бирор шахсга бағишланган бўлади; мақсади – китобнинг аҳамиятини очиб бериш, китобхонларнинг қизиқишлари доирасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.

Ташвиқот плакатлари шу куннинг энг муҳим масаласи, воқеасига жавобан акс-садо беради, ҳаракатга чақиради, адабиётларни тавсия қилади ва унинг тарқалишига кўмак беради; унинг мақсади – давлат ва жамият вазифаларининг ечими билан боғлиқ адабиётларни фаол тавсия этиш.

Методик плакатлар кутубхона фондида мавжуд бўлган адабиётларни тарғиб этишга, мутолаа маданияти ва фойдаланувчиларнинг кутубхона-библиографик саводхонлигини оширишга хизмат қилади; унинг мақсади - китобхонларга кутубхонадан фойдаланишларида ёрдам бериш, МКА (маълумот кутубхона аппарати)дан фойдаланиш (каталог ва картотекалар) бўйича аниқ маслаҳатлар бериш.

### Библиографик шарҳлар (обзор)

Библиографик шарҳ – фойдаланувчига ахборотни етказиш, муайян ҳужжатларни тарғибот ва реклама қилишнинг кенг тарқалган ва етарли даражада самарали ҳисобланган восита-сидир.

Шарҳ мустақил иш шакли ҳисобланади, бироқ у тез-тез китоблар кўргазмаси олдида, адабий кеча, китоблар муҳокамаси, викториналарнинг бошида ёки охирида ўтказилади.

Библиографик шарҳлар қуйидагиларга бўлинади:

- *мақсади ва китобхонлик доирасига кўра:* ахборот берувчи ва тавсиявий;
- *мазмунига кўра:* мавзули, шахсларга бағишланган, янги адабиётлар ва библиографик қўлланмалар шарҳи;
- *қамраб олинган нашр турларига кўра:* китоблар, журналлар, адабиётларнинг махсус турлари ва бошқа ҳужжатларга;
- *шаклига кўра:* оғзаки, ёзма (босма), ёрқин ва аралашма характерда.

Кутубхоначи шуни доимо ёдда тутиши керакки, шарҳ – бу ҳужжат аннотацияларининг йиғиндиси эмас, балки у ҳақида боғланган ва изчил ҳикоядир. Қоидага кўра шарҳ уч қисм: кириш, асосий қисм ва хотимадан иборат бўлади.

Аввало фойдаланувчиларнинг талаб ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда мавзу танланади, сўнгра шарҳнинг мақсади ва китобхонлик доираси аниқлаштирилади. Кутубхоначи адабиётларни шундай ажратиб олиши керакки, улар мавзунини тўлиқ ақс эттира олсин. Адабиётлар турли манбаларга мурожаат қилиш асосида танланади. Улар орасида: ўхшаш мавзудаги библиографик қўлланмалар, каталоглар, картотекалар, китоб ва мақолаларнинг адабиёт рўйхати ва бошқалар.

Шарҳ учун аниқланган адабиётларни яхшилаб кўздан кечириш, тақризлар билан танишиш лозим. Шарҳ учун, мазмун ва баён этилиши хусусиятига кўра мавзуга, шарҳнинг мақсадига ҳамда шарҳ мўлжалланган аудитория таркибига кўпроқ мос бўлган нашрларни танлаш талаб этилади.

Танлаб олинган нашрлар учун библиографик ёзув тузилади. Аннотацияда нашрнинг мазмуни баён этилиб, шархнинг мавзусини тўлиқроқ очиб берадиган жиҳатларига урғу берилади.

Адабиётларни гуруҳларга ажратиш маълум бир ғоя ва баён этилишнинг изчиллигига бўйсундирилиши керак. Бунда вариантлар: оддийдан мураккабга, **индуктив**<sup>1</sup>, **дедуктив**<sup>2</sup> ва даврий бўлиши мумкин.

Шундан сўнг шархнинг кенг кўламдаги режаси тузилади, асарларнинг кетма-кетлиги кўрсатилади ва ўқиб бериладиган парчалар танлаб олинади. Шарх боғланган ва изчил баён сифатида асарлар орасида маълум туташ нуқталар бўлишлигини, бирдан иккинчисига мулоҳаза ва мантиқ асосида ўтишлигини талаб қилади. Шарх матнини яхшилаб таҳрир қилиш, қоғоздан ўқиб бермаслик учун ёдда сақлаш керак.

Кириш қисмида шарх мавзусига таъриф берилади, унинг аҳамияти, адабиётларни танлаш принципи, гуруҳларга ажратиш тушунтирилади. Асосий қисмда асарларнинг ўзи ҳақида гапирилади. Ҳар бир асар ҳақида маълумотлар (муаллиф фамилияси; чиқиш маълумотлари; мақсади ва қайси китобхонларга мўлжалланганлиги; маълумот аппаратининг мавжудлиги, асар мазмунини очиб берадиган аннотацияси; асарга тақризлар агар улар бўлса) берилади. Шархнинг хулоса қисмида барча айтиб ўтилганларга якуний хулоса чиқарилади, қўшимча тарзда шарх мавзусининг мазмунига яқин бўлган нашр номлари айтиб ўтилади ҳамда шу мавзудаги библиографик қўлланмалар тавсия этилади.

Шархнинг турли хиллари мавжуддир. Китобхонлар эътиборини доимо янги адабиётлар ўзига тортади (китоблар, журналлар, турли мавзудаги махсус нашрлар). Янги адабиётлар

---

<sup>1</sup> Индукция – жузъий ҳодисалардан умумий натижа чиқариш, айрим фактлардан умумий хулосага келиш; акси дедукция.

<sup>2</sup> Дедукция – умумий ҳолатдан хусусий ҳолатга ўтиб муҳокама юритиш; умумий ҳолатдан жузъий натижа чиқариш; акси индукция.

шарҳида ҳужжатларни соҳавий ва мавзу хусусиятига кўра гуруҳларга ажратиш керак (биринчи ўринга муҳимроқ ҳисобланган адабиётни чиқарган ҳолда).

Кўпгина кутубхоналар фойдаланувчилар учун қизиқарли ҳамда фойдали бўлган янги чиққан журналларнинг шарҳини ўтказадилар. Бунда, журналдан жой олган муҳимроқ бўлган асарлар ҳамда журналлар структураси, рункларига эътибор қаратилади.

Шахсларга бағишланган шарҳлар, кўпинча юбилей ва муҳим саналар муносабати билан ўтказилади. Ушбу шарҳларда шахснинг ҳаёти ва фаолияти қамраб олинади ва ҳаётининг алоҳида даври ёритилади.

Кутубхоналарда фойдаланувчига адабиётларни мустақил танлай олишда ёрдам берадиган ва ўқиш доирасини шакллантирадиган библиографик қўлланмалар шарҳини ўтказиш жуда муҳимдир. Мутахассислар ҳар қандай шарҳ 30 дақиқадан ошмаслиги керак деб ҳисоблайдилар.

Шарҳлар бевосита кутубхоналарда, шунингдек радио ва телевидениеда ўтказилади, журнал ва газеталарда босилади. Кутубхона шарҳини стенда ҳам намойиш этиш мумкин. Истикболда компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда шарҳларни мультимедиа маҳсулоти сифатида ҳам яратиш мумкин. Айниқса бу нарса “мангуликка дахлдор” бўлган мумтоз адабиётга, машҳур ёзувчилар, олимлар, санъат намоёндаларига тегишлидир.

Шарҳлар устида ишлаш мураккабдир, бироқ тайёрлаш ва ўтказишнинг барча қоидаларига риоя қилинганда унинг фойдаси шубҳасиздир. Қандай шаклда ўтказилганидан қатъий назар, шарҳлар кутубхоначилар малакасини оширишга имкон беради, ёзма ва оғзаки нутқ маданиятини мукаммалаштириб, уларнинг ахборот фаолиятини ривожлантиради.

### **Китобхонлар конференцияси**

Аҳоли ўртасида китоб тарғиб қилишнинг кенг тарқалган усулларидан бири китобхонлар конференциясидир (лот. conferentia–бирор жойга тўплайман). Китобхонлар

конференцияси адабиётлар тарғиботининг комплекс шаклидир. Шунинг учун унда тарғиботнинг якка ва оммавий шакллари – оғзаки, кўргазмали шакллари ҳамда матбуотдан фойдаланилади.

Китобхонлар конференцияси мазмуни ва мақсадига кўра куйидагича бўлади:

- *бир асар бўйича ўтказиладиган конференциялар;*
- *бир мавзуга оид тематик конференциялар;*
- *бир жанрга оид китобхонлар конференцияси;*
- *бир муаллиф ижодига бағишланган конференциялар;*
- *журналлар бўйича ўтказиладиган конференциялар.*

*Хусусияти:* долзарблик, китобхонлар фаоллигини ошириш, хужжатни тарғиб қилиш, китобхонда янги қизиқишни шакллантириш, китоб рекламасини ташкил этиш.

*Аҳамияти:* китобни тарғиб этади, реклама фаолиятини шакллантиради, жонли муҳокамани шакллантиради, китобхон–китоб–кутубхоначи–муаллиф муносабатини шакллантиради, китобхонда нутқ маданиятини ўстиради, китобхонда фикрлаш, таҳлил қилиш, фикрни бошқаларга ўтказиш қобилиятини тарбиялайди.

*Камчилиги:* баъзан расмий чиқишларга йўл қўйилади, яхши ташкил этилмаганда зерикарли бўлиши мумкин. Адабиёт нусхаларининг камлиги кўзга ташланади.

### **Бир китобга бағишланган конференциялар**

Ўзбек ва ғарб адабиётини тарғиб қилишда бу конференциянинг аҳамияти каттадир. Ҳаётини муаммоларни реал акс эттирган, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, севги ва муҳаббат, халқлар дўстлиги мавзусида яратилган асарлар бўйича ўтказиладиган китобхонлар конференциялари муҳим аҳамиятга эга. Тарихий асарлар тарғиботи ҳамда мумтоз шоирларимиз ижодига бағишланган конференцияларнинг ўтказилиши эса маданий меросимизни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Конференция учун оммалашган адабиётларгина танлаб олинмайди, балки китобхонларнинг қайси адабиётларга (ўзбек ёки жаҳон адабиёти) қайси жанрдаги, (назм, детектив,

саргузашт, ҳажвия ва бошқа) нашрларга қизиқишлари ҳам ҳисобга олиниб, китоблар танланади. Конференция қатнашчиларининг билим даражасини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Бадиий адабиётнинг наср жанри бўйича конференция ўтказмоқчи бўлсак, олдин белгиланган мавзунини чуқур ўрганиб, кейин китобхонга етказмоқ зарур.

Бир китобга бағишланган конференциялар ўтказилиши давомида китобхонларга асар юзасидан муҳокама учун 4-5 савол ўртага ташланади.

### **Тематик конференциялар**

Тематик конференцияни тайёрлаш ва ўтказиш долзарб мавзунини танлашдан бошланади. Бунинг учун кўпгина адабиётларни қамраб оладиган мавзу танланади. Масалан: “Шеърияти-мизда юртимиз мадҳи”, “Шоирлар тилида Наврўз”, “Олам гўзаллиги аёлда мужассам”.

“Алишер Навоий образи бадиий адабиётда” номли конференция учун Ойбекнинг “Навоий” романи, “Алишернинг ёшлиги” қиссаси, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмаси, Барот Бойқобиловнинг “Шукухли карвон” шеърини романларини олиш мумкин. Тематик конференциялар бир мавзуга оид адабиётларни тарғиб қилишда ҳамда шу мавзуга китобхонлар қизиқишини орттиришда муҳим аҳамиятга эга.

### **Бир жанрдаги китобларга оид конференциялар**

Кўпгина кутубхоналарда бадиий адабиётнинг бир жанрига оид – “Ёшлар шеърини”, “Илмий-фантастик асарлар”, Детектив асарлар, “Менинг севимли эртақларим” каби мавзуларда конференциялар ўтказилади, Бундай конференцияларнинг мақсади бирор бир адабий жанрга қизиқишни орттириш, шу жанрга оид адабиётларни тарғиб қилишдан иборат. Конференциялар мавзусини даврлар, айрим халқлар, мамлакатлар бўйича ҳам олиш мумкин. Масалан: 20-аср ўзбек адабиёти, “Мустақиллик йилларидаги адабиёт”, “Жаҳон адабиёти дурдоналари” ва ҳаказо.

### **Бир муаллиф ижодига бағишланган конференциялар**

Энг яхши муаллифларнинг асарларини тарғиб қилиш мақсадида фақат бир муаллифнинг асарлари юзасидан конференция ташкил этилади. Масалан, “Абдулла Қаҳҳор – моҳир ҳикоянавис”, “Ўзбек аёли тақдири” (Абдулла Қаҳҳор асарлари мисолида), “Назмда севги ва муҳаббат”, “Дўстлик таронаси” (Зулфия, А.Орипов, Ҳ.Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф шеърляти мисолида), “Ҳайдар Муҳаммад – драматург” ва бошқа турли мавзуларни олиш мумкин.

Агар муаллиф китобхонларга яхши таниш бўлса, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш шарт эмас. Китобхонлар орасида маълум бўлмаган муаллифларнинг ҳаёти билан таништириб, ёзувчининг услуби, бошқа адиблардан фарқли томонларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

### **Муаллиф иштирокидаги конференциялар**

Кўпгина кутубхоналар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида конференция ўтказиш имкониятига эга.

Муаллифлар ҳамкорлигидаги конференциянинг асосий мақсади асарга тўғри танқидий баҳо беришдан иборатдир. Асар муаллифига конференциянинг бошланишида ва охирида сўз берилади.

Бу конференциянинг аҳамияти шундаки, китобхонлар билан муаллиф бевосита асар ҳақида фикр алмашадилар, мулоҳаза юритадилар.

### **Журналлар бўйича ўтказиладиган конференциялар**

Кутубхоналарда қизиқарли адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журналлар (“Шарқ юлдузи”, “Фан ва турмуш”, “Тулистон”, “Ёшлик”, “Саодат”, “Санам”) бўйича конференциялар ташкил этиш мумкин. Журналлар бўйича ўтказиладиган конференцияларнинг мақсади китобхонларнинг журналнинг бир йиллик мазмунини муҳокама қилишлари, танқидий баҳо беришлари, журналнинг хусусияти, структураси, йўналиши

ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришларини ташкил этишдан иборат.

Конференцияга журнал ходимлари таклиф этилади. Улар журналнинг мазмуни, тайёрлаш жараёни ва бошқа жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтадилар.

### **Конференцияни тайёрлаш ва ўтказиш методикаси**

Китобхонлар конференцияси китоб ва журналлар муҳокамасига асосланган тадбир бўлиб, китобхонларнинг фаоллигига асосланади.

*Уни тайёрлаш ва ўтказиш қондаси.* Уни тайёрлаш учун 1 ой вақт ажратилади.

*Конференцияни тайёрлаш ва ўтказиш гуруҳи тайинланади.* Унга кутубхона раҳбари, мутахассислар, фаол китобхонлар киритилади.

1. *Асар танлаб олинади.* Бунда куннинг долзарб масалалари, муҳим воқеа ва саналар, юбилейлар, шахсларнинг юбилейлари, асар юбилеи ҳисобга олинади;

2. *Мавзу танланади.* Бунда китобхонлар қизиқиши, талаб ва эҳтиёжлари, асарнинг мазмуни, унда кўтарилган асосий масалалар ҳисобга олинади;

3. *Мавзунини ёритувчи бир ёки бир неча асар танланади.* Бунда асар нашрининг хусусиятлари, полиграфик жиҳатлари, кутубхонада мавжуд нусхалари ҳисобга олинади;

4. *Конференцияни тайёрлаш ва ўтказиш режаси ишлаб чиқилади.* Унда мавзу бўйича танланган китоб нусхасини кўпайтириш, китоб кўргазмаси, библиографик обзор, сўзга чиқувчи китобхонларни аниқлаш, улар билан яқка тартибда иш олиб бориш, уларни сўзга чиқиш учун тайёрлаш, плакат тайёрлаш, суҳбатлар ўтказиш, ОАВларида, кутубхона ичида бу ҳақда дастлабки эълон бериш, муҳокама қилинадиган масалаларни аниқлаш, бошқарувчини тайёрлаш, сценарий тузиш каби жараёнлар акс этади. Тайёргарлик жараёни тугагандан сўнг 2-чи эълон берилади: унда ўтказиш жойи, вақти аниқ кўрсатилади.

5. *Ўтказиш жойини тайёрлаш.* Ўтказиш жойи кўрғазмалар, плакатлар, турли фикрлар ёзилган матнлар билан безатилади.

6. *Ўтказиш.* Конференция китобхонларнинг эркин фикрлаши асосида ўтказилиши лозим. Бунинг учун норасмий муҳитни ташкил этиш керак бўлади. Бу бошқарувчининг ташкилотчилигига, маҳоратига, нотиклик қобилиятига боғлиқ. Сўзга чиқувчилар расман эълон қилинмаслиги зарур. Бошқарувчи ҳар бир масалага, ҳар бир сўзга чиқувчига ўз муносабатини билдириб, уларни бир-бирига боғлаб борса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун бошқарувчи 1 ой мобайнида мавзу атрофидаги кўплаб маълумотлар билан танишишга улгуриши, сўзга чиқувчилар билан алоҳида ишлаши зарур. Сўзга чиқувчилар учун сўз матни аввалдан ёзиб берилмайди ва у ўқиб берилмайди. Конференциянинг бориши ҳақида баённома ёзиб борилади.

Баъзи кутубхоналар фаолиятида китобхонлар конференцияси адабий кеча каби уюштирилади бунга ижобий қараш мумкин эмас. Қуйида ушбу икки тадбирнинг фарқли томонларини кўрсатиб ўтамиз.

*Конференциянинг адабий кечадан фарқи*

1. Тайёргарлик вақтида-конференция учун 1 ой, адабий кеча учун 15 кун вақт берилади.

2. Конференцияда асосий масъулият китобхонларда, кечада ташкилотчиларда бўлади.

3. Конференцияда муҳокама қилинади, кечада маъруза қилинади. Маъруза мавзунини мукаммал биладиган мутахассис томонидан бажарилади.

4. Муҳокамада бадиий қисм бўлмайди, кечада бўлади.

5. Муҳокама асосан бир масала ёки бир асар, бир қахрамон атрофида бўлса, кеча кўпроқ мавзуга бағишланади.

6. Муҳокама китобхонларда сўз бойлигини оширишга, нотиклик маҳоратини тарбиялашга, ўз фикрини баён қилиш, бошқаларга тушунтира олиш, сингдира олишга қаратилади, кеча уларнинг унумли дам олиш вақтини ташкил этади, эстетик дидини шакллантиради.

7. Кечадаги бадиий қисми - кўшиқлар, рақслар, куйлар, сахна кўринишлари, монолог, шеър, асардан парча ўқишни бажариш учун бошқа маданий, маънавий марказлари, миллий марказлар, театр санъати вакиллари ҳамкорлик қилади.

**Бошқарувчига талаблар:      Унда учрайдиган камчиликлар:**

- |                                  |                                   |
|----------------------------------|-----------------------------------|
| 1. Нотиклик маҳорати             | 1. Ўта уятчанлик                  |
| 2. Билимдонлик                   | 2. Тортинчоқлик                   |
| 3. Сўз бойлигига эга бўлиш       | 3. Сўзнинг камлиги                |
| 4. Эркин фикрлай олиш            | 4. Фикрнинг торлиги               |
| 5. Мулоқотга тез кириша олиш     | 5. Муомаланинг пастлиги           |
| 6. Вазиятни бошқара олиш         | 6. Нотиклик маҳоратининг камлиги  |
| 7. Сахнада ўзини тута билиш      | 7. Аудитория билан ишлай олмаслик |
| 8. Муомала маданиятига эга бўлиш | 8. Сустиги ва бошқ.               |
| 9. Саводхонлик (ёзма ва оғзаки)  |                                   |
| 10. Одамлар билан ишлай олиш     |                                   |
| 11. Аудиторияни бошқара олиш     |                                   |
| 12. Шиддатлилик                  |                                   |
| 13. Ҳозиржавоблик                |                                   |
| 14. Равон, чиройли сўзлаш        |                                   |
| 15. Дунёқарашининг кенглиги      |                                   |

**Оғзаки журнал**

Кутубхоналарда ўтказиладиган кечаларнинг яна бир тури оғзаки журналдир. Оғзаки журнал бир мавзуга ёки хилма-хил мавзуга бағишланиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, у тематик, универсал, соҳавий характерда бўлиши мумкин.

Журнал саҳифалари 3-5 тагача бўлиши мумкин. Кутубхонада ўтказиладиган кечалардагидек оғзаки журнални ҳам бошқарувчи, бу ерда муҳаррир деб аталувчи шахс очади. Одатда муҳаррир ҳар бир саҳифани очишдан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг навбатни сўзга чиқувчига беради. Журналнинг саҳифалари суҳбат, ахборот, олимлар, мутахассислар, машҳур кишиларнинг чиқишлари, шеърлар,

музыка асарлари, бадий асарлардан парчалар ва шу кабилардан иборат бўлади.

“Оғзаки журнал” деган номнинг ўзиёқ унинг босма журнал билан қандайдир ўхшаш жиҳати борлигини кўрсатади. Аммо унинг саҳифалари босмахонада босилмайди, балки муаллифлар томонидан оғзаки баён қилинади. Журнал одатда 2-2,5 соат, ҳар бир саҳифаси эса 15-35 дақиқа давом этади. Бунда китобхон бирор адабий мавзу, китоб, бирон-бир лавҳа билан таништирилади, воқеа тўғрисида янги ахборот берилади, ўртага қўйилган муаммога, муаллифга эътибор қаратилади. Оғзаки журналга хос бўлган жиҳатлар: доимий ном, даврийлик, тезкорлик, долзарблик, материалнинг хилма-хиллиги ва таклиф этилаётган ахборотнинг янги эканлиги.

Чуқур музmunни қисқа, ёрқин шаклда ифодалаб бериш – оғзаки журналнинг барча элементлари олдига қўйилган биринчи талабидир. Оғзаки журнални ўтказиш вақтида мавзунинг тез-тез ўзгариб туриши тингловчиларни чарчатиб қўйишини ҳисобга олиш керак. Журналнинг иккита саҳифаси учун чуқур билим берадиган материаллар танлаб олинган бўлса, бошқа саҳифасида кўнгилочар материал ва маълумотлар берилади.

Жиддий ва кўнгилочар саҳифаларни кетма-кет бера бориб, тингловчиларнинг бутун диққат-эътиборини журналнинг ҳамма саҳифаларига қаратишга эришиш мумкин.

Журналнинг мазмуни қандай бўлишидан қатъий назар, унда китоб тарғиботи бирламчи бўлиши керак. Китоблар тўғрисидаги обзор, суҳбатлар, бир китоб ҳақидаги ҳикоя, китоб кўргазмаси билан танишиш, китобхонларнинг ўзлари севган китоблар ҳақидаги, китоб ҳаётда, ўқишда ва ишда уларга қандай ёрдам бергани ҳақидаги суҳбатлари шундай тадбирлардан бўлиши мумкин.

### **Тематик кеча**

Ушбу кеча – китобни тарғиб қилишнинг кенг тарқалган шакли бўлиб, жуда муҳим мавзуга, таниқли шахсларнинг ижодига, фан ва техника ютуқларига, шу куннинг воқеаларига, адабиёт ва санъат жанрларига бағишланиши мумкин. Кечалар китобхонлар конференциясидан фарқ қилиб, китобга эмас,

балки мавзуга, воқеага бағишланган бўлади ва сиёсий, илмий, фан ва техника, халқаро ҳаёт ҳамда маданият янгиликлари билан таништиради.

Ўзбек миллатининг буюк адиби Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган кечаларнинг мавзулари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: “Мумтоз адабиётимиз асосчиси”, “Алишер Навоий буюк давлат арбоби”, “Ғазал мулкининг султони” ва ҳоказо.

Кутубхонада Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун (1989 йил 21 октябрь)га бағишланган мавзули кечаларни ҳам ўтказиш мумкин. Ушбу кечага қуйидаги мавзулар тавсия этилади: “Тарихи узоқ ўзбек тилим”, “Тилимиз жонқуярлари”, “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Тил – дил кўзгуси”, “Туркий тиллар сардори”, “Тил – миллат кўзгуси” кабилар.

Экологик тарбияга бағишланган кечалар учун қуйидаги мавзуларни тавсия этиш мумкин: “Табиат ва биз”, “Мен учун қадрли бўлган шаҳар”, “Яшил бойлигимизни асрайлик”, “Она табиат мўъжизалари”, “Олам яшилликка буркансин” ва бошқалар.

Тематик кечаларнинг дастури хилма-хил элементларни ўз ичига олади. Дастлаб мавзунинг моҳияти тўғрисида қисқача ахборот берилади.

Кейинги навбат мавзуга оид маъруза тинглаш, суҳбат ўтказиш, хотираларни гапириб бериш ва шу кабилардан иборат бўлади.

Кечанинг номерлари орасида иложи бўлса мавзудан келиб чиққан ҳолда мусиқали номер, сахна кўриниши, қисқа метражли фильмларни ёки кинофильмлардан парчаларни намойиш этиш, шоир ва шоираларнинг чиқишларини, викториналарни ташкил этиш мумкин.

Кечаларнинг дастури китоб кўргазмасини, сурат, репродукция, (репродукция – тасвирий санъат асарлари, босма матн, харита, ҳужжатлар, фотосуратлар ва бошқаларни фотография ёки полиграфия усулида ҳосил қилиш) портретларни намойиш қилишни ҳам ўз ичига олади.

### **Шеърят кечаси**

Шоир ва ёзувчиларнинг юбилейлари ёки муҳим воқеалар муносабати билан, китобхонларни эстетик руҳда тарбиялаш, адабиётларга қизиқиш уйғотиш, уни чуқур ўрганишда ёрдам бериш мақсадида ўтказиладиган шеърят кечалари муҳим аҳамиятга эга бўлган оммавий тадбирлардан ҳисобланади.

Шеърят кечасининг мавзуси ранг-барангдир: “Ўзбек мумтоз шеърятида гул ва ёр мадҳи”, “Навоий лирикаси”, “Огаҳий лирикаси”, “Зулфия – шеърят маликаси”, “Бахт ва шодлик куйчиси” (Ҳамид Олимжон), “Халқнинг халқчил шоири” (Муҳаммад Юсуф) кабилар.

Шеърят кечалари шеърый асар ўқиш маданиятини тарбиялайди, китобхоннинг бадий эстетик дидини шакллантиради, эстетик завқ беради. Шеърят кечаси адабий, тематик кечаларнинг бир тури бўлиб, уни тайёрлаш ва ўтказиш ҳам шу тадбирлар методикасига ўхшайди.

Шеърят кечасининг мароқли, қизиқарли, жонли тарзда ўтиши тайёргарлик кўриш жараёнига, кеча ташкилотчиларининг маҳоратига, ижодкорлигига боғлиқ.

Кечани тайёрлаш ва ўтказиш учун комиссия тузилади ҳамда унинг режа ва дастури ишлаб чиқилади.

Шеърят кечасининг кириш қисмида мутахассис китобхон (адабиётшунос) шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапиради ёки шоирнинг ўзи сўзлаб бериши мумкин. Кечада шеърый асарларни ўқиб берувчилар олдиндан пухта тайёргарлик кўришлари лозим. Улар ифодали, ҳаммага тушунарли, қизиқарли ҳамда таъсирли қилиб ўқиш санъатини эгаллаган бўлишлари керак.

### **Савол жавоб кечалари**

Китобхонларни билим орттириш фаолиятига жалб этадиган ҳамда соҳавий ва бадий адабиётлар мутолаасини фаоллаштирадиган тадбирлардан ҳисобланади.

Китобхонлар кечанинг мавзуси билан аввалдан хабардор этилади. Кечанинг мавзусига китобхонлар эътиборини тортиш ҳамда уни ёритиб бериш мақсадида кечага тайёрланиш давомида китоб кўргазмаси ташкил этилади ёки кутубхона

плакати тайёрланади; китоблар фаол тавсия этилади, суҳбатлар ўтказилади, якка тартибда маслаҳатлар берилади; таклифнома-лар юборилади. Тадбир ўтказилишидан илгарироқ унинг мавзуси бўйича китобхонларнинг саволлари тўпланади сўнгра улар тизимлаштирилади.

Кечани бошловчи қисқача кириш сўзи билан очади. Сўнгра йиғилган мутахассисларга биринчи савол берилади ва истаганларга саволга жавоб бериш таклиф қилинади. Бошловчи ҳар бир савол бўйича билдирилган фикрларни умумлаштиради ва қисқача хулосалайди. Сўнг бошловчи муҳокама давомида тингловчиларда янги саволлар пайдо бўлди-йўқми аниқлаштиради. Агарда саволлар пайдо бўлса ҳар бир саволга юқоридаги каби жавоб бериш жараёни қайтарилади.

Савол-жавоб кечалари кутубхоналарда турлича ўтказилади: бир мавзу бўйича вақти-вақти билан (кутубхоначилар ёки китобхонларнинг таклифига кўра), китобхонлар қизиқилишининг ўзгаришига қараб турли мавзулар бўйича. Баъзида мавзу аниқ белгилаб олинмайди, балки турли саволлар йиғилади. Кўпинча ушбу ҳолатда тадбирлар: “Саволларингизга жавоб берамиз”, “Савол борми – жавоб берамиз”, “Мутахассислар жавоб берадилар” номлари билан ташкил этилади. Саволлар тизимлаштирилганда, қайси соҳа вакилларини таклиф қилиш кераклиги аниқлаштириб олинади.

### **Мунозара кечаси**

Бу кечада – нуктаи назарларнинг тўқнашуви, фикрлар кураши, ҳақиқатни юзага келтирадиган баҳслар асосий ўринни эгаллайди. Сўзга чиқувчи ҳар бир киши ўз қаршисида оппонент турганлигини билиши, исбот-далиллар билан унга мурожаат қилиши, хужумга ўтиши ва ўзини ҳимоя қилиши муҳимдир.

Мунозара олиб бориш ғоят мураккаб иш. Бунинг учун киши ўқимишли, билимдон бўлиши, нафақат ўз ихтисослиги бўйича, балки бошқа соҳалардан ҳам жуда кўп нарса билиши, ўзига хос тарзда асосли фикр юритиши, баҳслашиб ишонтира олиши, мунозара қатнашчиларини ўйлашга, изланишга, баҳслашиш ва

ўз фикрини айтишга ундаш учун ўз нуқтаи назарининг тўғрилигини исботлаб бера олиши керак.

Мунозара учун танлаб олинган мавзу муайян талабларга жавоб бериши, муҳим ҳаётий масалаларни кўтариши, баҳс ва мунозараларни келтириб чақариши керак.

Одоб-ахлоққа доир мавзулар кишиларнинг дилига жуда ёқиб тушадиган мавзулардан ҳисобланади. Одоб-ахлоқ мавзуси билан боғланган ҳар қандай масала мунозаранинг мавзуси бўлиши мумкин. Масалан: “Шарқ ва Ғарб ахлоқи”, “Шахс ва ижтимоий ахлоқ”, “Ширин сўз шакардан ширинми?”, “Сериаллар нимага ўргатяпти”, “Замонавий ёшлар қандай бўлиши керак?” ва ҳоказо.

“Ҳозирги ёшларнинг кийиниш маданияти” мавзуидаги мунозарада қуйидаги саволлар устида ўйлаб кўришни таклиф этиш мумкин.

1. Баъзи ёшларнинг очиқ-сочиқ кийиниши бу замонавийлик белгисими ёки ҳаёсизлик?

2. Либос ибоси билан гўзалми?

3. “Кийимига караб баҳо беришади” ушбу фикрга қўшиласизми?

4. Вольтернинг “кийим хулқ-атвори ўзгартиради” деган таъкиди ўринлими?

Бундай суҳбат-мунозараларни ўтказишда одоб-ахлоққа доир диний, дидактик, маърифий асарлардан фойдаланиш ва албатта китоб кўргазмасини ташкил этиш тавсия этилади.

### **Кутубхона кечаларини тайёрлаш методикаси**

Кутубхона кечаларини тайёрлаш методикасида умумийлик кўп. Шунинг учун биз ҳар бир кечани тайёрлаш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтирмасдан, уларнинг умумий методикасини кўриб чиқамиз.

Тайёргарлик одатда 3-4 ҳафта олдин бошланади. Кечани ташкил қилиш учун кутубхонада махсус комиссия тузилади, унинг таркибига китобхонлар, кутубхоначи ва кечани ўтказишда иштирок этадиган бошқа маданий маскан, миллий марказлар ходимлари кирадилар.

Комиссия аввало кечага мавзу танлайди, сўнг қандай характерда (ёзувчи билан учрашувми, таматик кечами ва ҳоказолар) ўтказишни белгилайди, мавзуни мумкин қадар тўлароқ очиб бера оладиган элемент ва шакллари танлайди. Кеча дастурининг элементлари қанчалик жонли, мазмунли ва ёрқин бўлса, унинг мавзуси китобхонларда шунчалик катта қизиқиш уйғотади.

Шундан кейин комиссия кеча дастурини аниқлайди ва бажарилиши керак бўлган ишларга муайян кишиларни тайинлайди. Кечада кечани олиб борувчи – уни очувчи ва дастурни олиб борувчи ҳамда уни тугалловчи шахс айниқса катта ўрин тутиши зарур. Кечани олиб борувчи ҳозиржавоб, ўткир зеҳнли, кечанинг мавзуси билан яхши таниш бўлиши шарт.

Комиссия кечани олиб борувчини танлашга жуда синчковлик билан ёндашиши зарур. Кечани олиб борувчи кутубхона китобхони, мактаб ўқитувчиси ёки кутубхоначи ҳам бўлиши мумкин – фақат у ўзига қўйилаётган талабларга жавоб бера олиши керак.

Кечани тайёрлашнинг мажбурий шарти тегишли мавзуга оид адабиётни тарғиб қилишдир. Бу ишни ташкил қилиш, одатда, кутубхоначининг ўзига ёки фаол китобхонга топширилади. Кечанинг муваффақиятли чиқиши ҳамда унинг энг асосий мақсадга эришиши – тайёргарлик ишининг қанчалик кенг ва тўла йўлга қўйилишига, шуниндек, китобхонларни китобга жалб этишга боғлиқдир.

Тайёргарлик ишлари олиб борилаётганда адабиётлар тарғиб қилишнинг барча метод ва шаклларидан фойдаланилади. Бу иш бевосита кечанинг ўзида ҳам давом эттирилади, унинг дастурига тавсия этилаётган адабиёт шарҳи ёки китоблар ҳақидаги суҳбат, китоб кўргазмаси олдидаги шарҳ киритилади. Кечада иштирок этувчиларга кўпинча мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати тарқатилади.

Вазифаларни тақсимлаб бўлгач, комиссия кеча ўтказиладиган кунни белгилайди ва уни ўз вақтида тайёрланишини кузатиб боради.

Комиссия томонидан белгиланган, сўзга чиқувчиларга масъул кишилар, сўзга чиқувчиларга кечанинг мақсади ва дастурини, уларнинг чиқишлари нима учун аҳамиятли эканини батафсил тушунтириб берадилар ҳамда уларнинг нутқи қанча вақт олишини келишиб оладилар.

Кечани тарғиб қилиш ва ва унга китобхонларни жалб этишга жавобгар кишилар плакатлар, эълонларни тайёрлайдилар. Баъзилари кеча ўтказиладиган бинони безайдилар.

Белгиланган муддатдан сал олдин ўз топшириқлари ижросини, дастур қанчалик тайёрланганини текшириш учун комиссия яна тўпланади. Мана шунда барча деталлар аниқланади, ижро этиш навбати ва қанча давом этиши аниқлаб олинади. Бу ўринда агар кеча дастурида маъруза, шеърлар, мусиқа, кинофильм кадрлари ва шу кабилар ўз вақтида алмашиниб турса, тингловчилар диққатини бир хилда ушлаб туриш мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.

Кеча ўтказиб бўлингач, комиссия қилинган ишларга яқун ясайди ва келгусидаги иш учун режалар тузади.

Ҳар бир кутубхона кечаси ўзидан сўнг ёрқин таассурот қолдириши, мутоаалага, билимга, муайян мавзулар ва саволларга қизиқиш уйғотиши керак. Шундагина кутубхона кечалари янги китобхонларни жалб этиш ва билим тарқатишнинг ажойиб воситаси бўлиб қолади ҳамда бундай кечалар китобхонларнинг ёдида узоқ сақланиб уларни доимо кутубхонага жалб этиб қолаверади.

### **Давра суҳбати**

Ушбу тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари 1ой илгари бошланади.

Аввало кутубхонада эълон ва таклифнома ёзилади. Қуйида уларнинг намунавий шакллари келтирамыз.

## **Эълон**

Хурматли китобхонлар!

Сизларни 200\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да кутубхонамизда Мавлоно Жалолиддин Румийнинг таваллуд кунига бағишлаб ўтказиладиган “Орифлар султони” деб номланган давра суҳбатига таклиф этамиз.

## **Таклифнома**

Хурматли \_\_\_\_\_

Сизни 200\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да кутубхонамизда ўтказиладиган “Орифлар султони” деб номланган давра суҳбатига таклиф этамиз.

Меҳмонлар (мутахассислар) ва иштирокчиларга таклифномалар юборилади. Давра суҳбати учун жой танланади ва безатилади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан обзор ўтказиш ҳам мумкин.

Тадбирни бошловчи кириш сўзи билан очади ва ташриф буюрган мутахассислар билан таништиради ҳамда сўз учун бирига навбат беради. Мутахассиснинг чиқиши яқунлангач, бошловчи китобхонларнинг маъруза юзасидан нотикқа саволлари бор йўқлиги билан қизиқади, саволлар бўлса мутахассиснинг жавоби тингланади. Шу тарзда барча таклиф этилган мутахассислар тингланади. Давра суҳбати сўнгида бошловчи тадбирни якуний сўз билан тугатади.

## **Китоб тақдимоти (янги журнал, газета)**

Тақдимот китобхонларни янги чиққан нашр билан таништиради, унинг афзалликларини намоиш этади. Тақдимотда нашриёт ходимлари, муаллиф, рассом ва шу нашрга тааллуқли бўлган бошқа шахслар (жумладан, асарнинг прототиплари, китобда тасвирланган воқеаларнинг иштирокчилари) иштирок этадилар. Китоб тақдимотида тақдимотнинг мавзусига доир китоб кўргазмаси ташкил этилади, асар муаллифининг дастхати

туширилган нашрнинг сотуви ҳамда тегишли даврий нашрга обуна ташкил этилади.

### **Викториналар**

Викториналар – савол-жавоб ўйинлари бадиий асарларни тарғиб қилишнинг энг қизиқарли шакли бўлиб, ундан кутубхоналар, ёшлар билан иш олиб борувчи муассасалар фойдаланадилар.

Савол-жавоб ўйинлари, айниқса мактаб ва болалар кутубхоналари фаолиятида кенг қўлланилади. Бундай викториналар ўрта мактаб, ўрта махсус билим юртлирининг ўқув дастурига боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Улардан кўзланган мақсад ёшларнинг билим савиясини ошириш, мустаҳкамлаш, танланган мавзуга қизиқиш уйғотишдан иборат.

Викториналар машҳур ёзувчи ва шоирларнинг, санъаткор ва олимларнинг юбилейлари, муҳим воқеа ва саналар муносабати билан ташкил қилинади.

Викториналар алоҳида бир шахс – ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижоди бўйича ёки фақат бир асар бўйича ҳам ўтказилиши мумкин.

Викториналар қизиқарли, шу билан бирга жуда мураккаб тадбир ҳисобланади. Шунинг учун уни ўтказиш алоҳида тайёргарликни, катта билимни талаб қилади. Уни ташкил этган ва олиб бораётган шахс шу мавзу бўйича атрофлича билимга эга бўлиши, мавзуга оид барча қўшимча адабиётлар – справочник, энциклопедия, луғатлар билан таниш бўлиши керак.

Викторина учун 10-15 савол танланиб, 30-40 дақиқага мўлжалланади. Уни тайёрлашда китобхонларнинг қизиқиши, билим савияси эътиборга олинади.

### **Викторинани тайёрлаш ва ўтказиш методикаси**

Викториналар мазмунига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

1. Бир муаллиф ижодига бағишланган савол-жавоб ўйинлари;
2. Бир асарга бағишланган савол-жавоб ўйинлари;
3. Мавзули викториналар;

#### 4. Театрлаштирилган викториналар.

Викториналар мустақил тарзда ҳам, бошқа комплекс тадбирларга ёрдамчи тадбир сифатида ҳам қўлланилади. Масалан: китобхонлар конференцияси, бадиий-тематик кечалар ҳамда мактабларда турли мушоираларни ўтказишда қўллаш мумкин.

Викторинани тайёрлаш учун аввал мавзу танланади. Мавзунини танлаш учун тадбирнинг мақсади, китобхонлар гуруҳи, уларнинг қизиқиши, ўқиш мақсади ва билим савиясини аниқлаб олиш, куннинг долзарб масалаларини ҳисобга олиш зарур. Агар савол-жавоб ўйинлари мактаб ўқувчилари орасида олиб бориладиган бўлса, у мактаб дастури ҳамда мактабдан ташқари ўқиш машғулотларининг мавзусига боғланиши зарур. Бу ўқувчиларнинг ўқув дастури асосида яна ҳам кенгроқ билим олишларини таъминлайди, уларнинг мустақил билим олишларига ёрдам беради, ўқувчиларда ўқиш кўникмасини, адабиёт танлаш, фикр-мулоҳаза юритиш кўникмасини тарбиялайди.

Викторина бадиий адабиётга қизиқишни яна ҳам оширади, китобхоннинг эстетик дидини шакллантиради, ўқилганни ёдда сақлаб қолишга ўргатади.

Викторинани тайёрлашнинг кейинги босқичи мавзу бўйича саволлар тузишдан иборат. Бу жараён ҳам маъсулиятдир. Саволларнинг содда, лўнда, тушунарли бўлишига эришиш лозим. Бунинг учун қўшимча материаллардан, кундалик матбуот асарларидан фойдаланиш керак. Тузилган саволлар мазмунига кўра тизимлаштирилади.

Викторинани тайёрлаш жараёнида китобхонлар учун аввалдан - ўтказиладиган тадбир, мавзу ва саволлар йўналиши, фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати ҳақида маълумот берилди. Тадбирда иштирок этувчи китобхонлар билан алоҳида иш олиб борилади, улар учун суҳбатлар ташкил этилади, мавзуга оид кўргазма ташкил қилинади, бу викторинанинг самарасини оширишни таъминлайди.

Викторинани олиб боровчи ташкилотчи алоҳида тайёргарлик кўради. Бошқарувчи вазифасини мутахассис китобхон бажари-

ши мумкин. Бошқарувчи саволларга берилиши мумкин бўлган жавобларни тайёрлаб кўяди. Унинг вазифаси аудитория билан доимо боғлиқликда бўлиш, китобхонларнинг сўзларини, жавобларини эътибор билан тинглаб бориш, жавобларнинг тез ва тўғри берилётганини белгилаб боришдан иборат. Бошқарувчи зарур бўлса, асарлардан парча ўқиб беришга, иллюстрацияларни намойиш қилишга тайёргарлик кўради.

Агар театрлаштирилган викторина бўлса, тайёргарлик кўриш жараёнида фаол китобхонлар иштирокида асар қаҳрамонларининг “чиқиш”ларини, улар учун костюмларни тайёрлаш, мавзу мазмунига мос стерео тасма, CD, DVD дискларни ва бошқа техника воситаларини тайёрлаб кўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Викторина қисқача кириш сўзи билан очилади. Унда танланган мавзуга характеристика, саволлар йўналиши, уларга жавоб бериш тартиби ҳақида гапирилади. Кейин асосий савол-жавоб қисмига ўтилади. Уни жонли ва қизиқарли олиб бориш бошқарувчининг маҳоратига боғлиқ. Саволларга берилётган жавоблар ҳайъат аъзолари томонидан ҳисобга олиб борилади. Ҳайъат аъзолари таркибига мутахассислар, фаол китобхонлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари киритилиши мумкин.

Сўнгги якунловчи қисмда жавобларга муносабат билдирилади, ғолибларга совғалар топширилади. Мавзу мазмунига мос қандай адабиётлар ўқиш мумкинлиги айтиб ўтилади.

Тадбир бошқа барча оммавий тадбирлар каби расмийлаштирилади. Унда тадбир номи, ундаги саволлар ва уларга берилган жавоблар, тақдирланганлар, қанча китобхон қатнашганлиги, ҳайъат аъзолари таркиби ишнинг таъсири, китобхонларнинг тадбир ҳақидаги фикр-мулоҳазалари кўрсатилади. Тадбирда, муаллифнинг иштирок этиши унинг самарасини оширади.

Викторинанинг яна бир тури – театрлаштирилган викториналар бўлиб уларда оммалашган ёки китобхонлар қизиқишига мос асар танланади. Ундаги қаҳрамонлар қиёфасида китобхонларнинг ўзлари чиқади. Ҳар бир китобхон олдиндан қаҳрамон матнини тайёрлайди. Саҳнада асар “қаҳрамонлари” ўзларини намойиш қилганларидан сўнг китобхонлардан жавоб

ёзилган варақалар йиғиб олинади. Варақада китобхоннинг исми, фамилияси, ҳар бир саволга (номерга) жавоби ёзилади. Йиғиб олинган варақалар асосида жавоблар натижаси чиқарилади. Бундай викториналарни ўтказиш учун қуйидаги асар “қаҳрамон”ларининг чиқишлари тайёрланиши мумкин. Ҳар бир қаҳрамон қиёфасида китобхон саҳнага чиқиб, қаҳрамоннинг монологини ўқийди, агар қаҳрамоннинг ҳатти-харакатини кўрсата олса яна ҳам яхши. Қаҳрамоннинг ташқи кўринишини, характерини бера олишга ҳаракат қилиш лозим: ўзбек халқ эртаклари қаҳрамонлари, Алпомиш достонидаги Алпомиш, Барчин, Қоражон образларини, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод, Ширин, Моҳинбону, Ҳусрав каби қаҳрамонлар, Абдулла Қодирийнинг Ўтган кунлар романидаги Юсуфбек хожи, Отабек, Кумуш, Ойбекнинг “Болалик” қиссаси қаҳрамонлари, Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак”, “Тобутдан товуш”, “Муҳаббат”, “Ўтмишдан эртақлар”, “Ўғри”, “Бемор”, “Бошсиз одам”, “Жонфиғон” асари қаҳрамонларининг чиқишлари китобхонларда яхши таассурот қолдиради.

Ўтказилган савол-жавоб ўйинлари асосида фото-газеталар, альбомлар ташкил этиш мумкин. Булардан ташқари адабий викториналар сиртқи ҳам бўлиши мумкин. Бунда саволлар маҳаллий вақтли матбуот саҳифаларида, радио ва телевидение орқали берилади ва жавоблар викторина ташкил этилаётган муассаса манзилига йиғилади.

## Адабиётлар

Адабий викториналар (савол жавоб ўйинлари): Тайёрлаш ва ўтказиш методикаси / Тузувчи З. Бердиева. -Т.,1989.-16 б.

Адабий ўқишларни тайёрлаш ва ўтказиш методикаси: Методик тавсиялар / Тузувчи З. Бердиева.-Т., 1989.-14 б.

Бадиий адабиётларни тарғиб қилишнинг оммавий усуллари: Методик тавсиялар / Тузувчи З. Бердиева.-Т.,1985.-25 б.

Бородина В.А. Библиотечное обслуживание: Учебно-методическое пособие. –Москва: Либерей, 2004.-168 с.

Езова С. А. Массовое или публичное?: Дискуссия о термине массовый // Библиотечное дело.-2006.-№ 4.-С.32-33.

Конференция//Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд Конимех-Мирзоқуш /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002.-Б.20.

Кутубхоналарда адабиётларни кўргазмаларда пропаганда қилишнинг форма ва методлари: Методик хат / Тузувчи Ф. Муниров.-Т., 1986.-15 б.

Кутубхона ва ёш китобхон: Амалий қўл. /Муаллифлар: А.С.Адаменко, Л.В.Жукова ва бошқ.; Тузувчилар: Ю.В. Просалкова, Х.Д. Просалкова, Х.Д. Хамракулова.-Т.: Ўқитувчи, 1991.-192б.

Матлина С.И. И снова о так называемой массовой работе: продолжаем дискуссию // Библиотечное дело.-2006.-№ 11.-С.23-25.

Рябыкин Н. Работа не напоказ // Библиотека.-2006.-№10.- С. 49-50.

Справочник библиотекаря /Науч. Ред. А. Н. Ванеев, В. А. Минкина.-Санкт-Петербург:Профессия, 2004.-448 с. (Серия Библиотека)

Тематик кеча ва оғзаки журнални қандай уюштириш керак: Китобхонлар жамияти бошланғич ташкилотлари раҳбарлари учун методик қўлланма / Тузувчи Соколов В.В., Тарж. Ш. Алиев.-Т.,1982.-34 б.

Босишга рухсат этилди 2007 йил  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> наshr. т. Адади 300 нусха.  
Буюртма №

---

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди